

Юртимиздаги тинч ва осуда ҳаёт, ҳамжиҳатлик ва фаровонлик бебаҳо бойлигимиздир. Бунда, албатта, мамлакатимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг ишончли қалқони — ҳарбийларимизнинг алоҳида ўрни бор. Шу боис ҳам халқимиз бу касб эгаларини юксак даражада қадрлайди. Шу кунларда мамлакатимизда миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари кuni ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 22 йиллиги кенг нишонланаётгани бунинг амалдаги ифодасидир.



14 январь — Ватан ҳимоячилари кuni

Эл-юртга садоқат рамзи

12 январь — "Ватанга қасамёд" монументи очилган кун



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлиги, тактик маҳоратини ошириш, кадрлар сифатини яхшилаш, армиямизни замонавий курул-яроғ ва техника билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасида илҳом, тезкор, замонавий курулларга эга миллий армиямиз шакллантирилди. Ҳарбий соҳада ўтказилган ислохотлар — ҳарбий хизмат муддатининг бир йил қилиб белгилангани, ҳарбийга ча-

кирикнинг бир йилда бир марта ўтказилаётгани, сарфарбарлик-қақрув резервининг жорий этилгани, сержантлар тайёрлаш тизимининг шакллантирилгани, ҳарбий қисмларнинг тавсияномасини олган йигитларга олий ўқув юртурларига ўқишга киришда берилаётган имтиёзлар, ҳарбийларнинг уй-жой ва бошқа шароитларини яхшилаш мақсадида кўрсатилаётган гамхўрликлар ҳарбий хизматнинг нуфузини беқиёс даражада оширишга хизмат қилаётди. (Давоми иккинчи бетда)

ТИНЧ ВА ОСУДА ҲАЁТИМИЗ, ХАВФСИЗЛИГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

Айтиш жоизки, Конституциямизда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилган. Қуролли Кучларимиз Ўзбекистон суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш учун ташкил этилгани таъкидланган. "Мудофаа тўғрисида"ги ва

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунлар Қуролли Кучларимиз ташкилий асосларини ўзида мужассам этган.

"Истиқлол йилларида юртимизда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, Ватанимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг

ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

2014 йилнинг 14 январь кuni юртимизда Қуролли Кучлар ташкил топганининг 22 йиллиги — Ватан ҳимоячилари кuni сифатида кенг нишонланади.

Yangi qonun mohiyati

Бюджет қонунчилиги

тизимлашуви йўлидаги муҳим қадам

Аввало шуни айтиш керакки, қонунчиликни тизимлаштиришнинг афзал жиҳати шундаки, бунда бирор-бир соҳани тартибга солишчи қонун ҳужжатлари ягона ҳужжатга муайян кетма-кетликда жамланади. Қонун ижодкорлиги жараёнида энг кенг тарқалган тизимлаштириш усулларидан бири бу — кодекслаштиришдир. Мустақиллигимизнинг ўтган даврида мамлакатимизда 15 та ягона ҳужжатга тизимлаштирилган кодекслар қабул қилинган бўлиб, улар бугунги кунга қадар муайян соҳани тартибга солишда самарали қўлланилиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг қабул қилиниши ҳам амалдаги миллий қонунчилигимизни тизимлаштириш борасидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди. Мазкур кодекс Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2013

йил 23 августда қабул қилиниб, шу йилнинг 12 декабрида Сенат томонидан маъқулланди. 2013 йилнинг 26 декабрида имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасида 2014 йилнинг 1 январидан

дан эътиборан Бюджет кодексининг қучга кириши белгиланди.

Бюджет кодексини ишлаб чиқишдан қўзланган асосий мақсад — бюджет соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишчи ягона қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланилиб келинаётган бюджет жараёни иштирокчиларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасини аниқ тизимлаштиришдан иборат.

Қуйидаги омиллар Бюджет кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратини тақозо этди:

Биринчидан, Бюджет кодекси қабул қилингунга қадар бюджет жараёни 20 га яқин турли қонун ва қонуности ҳуж-

жатлари билан тартибга солиб келинарди. Бу ҳолат бюджет жараёни соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатлар нормаларининг турлича талқин қилинишига ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли мураккабликларни келтириб чиқарарди;

иккинчидан, бюджет жараёнининг турли қонун ва қонуности ҳужжатлар билан тартибга солиниши бюджет маблағларидан аниқ ва мақсадли фойдаланилиш бўйича етарли даражада ошқораликни таъминлаш имконини бермас эди;

учинчидан, Германия, Франция, Англия каби илғор хорижий давлатлар қонунчилик тажрибидан ва бугунги кун талаби нуқтаи назаридан миллий қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда бюджет жараёни билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишчи бюджет қонунчилигини такомиллаштириш зарурати вужудга келган эдики, бундай зарурат бюджет қонунчилигини ривожланган давлатлар қонунчилиги билан ўзаро уйғунлаштириш лозимлигида намоён бўлди.

(Давоми учинчи бетда)

Асосий қонунимизнинг 37-моддасида ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги алоҳида белгилаб қўйилган. Меҳнат ҳуқуқининг Конституциямиз асосида кафолатли ҳимоя қилиниши ҳар бир ходимнинг турмуш фаровонлигини оширишга ва мамлакатимиз тараққиётини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат ҳуқуқлари доимий ҳимояда

Айтиш керакки, амалдаги меҳнат қонунчилигида меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарофлар келишуви,

шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишув эканлиги белгилаб қўйилган. (Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko'magi

Шартнома интизоми

унга қатъий риоя этиш томонлар манфаатларига хизмат қилади

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислохотлар натижасида янгича мулкий муносабатлар ҳамда унинг мукамал ҳуқуқий асослари яратилди.

Фермер хўжаликлари ташкил этилиши натижасида деҳқоннинг ерга ва ўзи яратган маҳсулотига эгаллик ҳисси мустаҳкамланди ва бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўлами ошишига, халқимиз фаровонлиги юксалишига хизмат қилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)



Давлатимиз суверенитети, халқимиз тинчлиги ва осойишталигининг ишончли кафолати

Юртимизда ушбу байрамни тантанали равишда нишонлаш эзгу анъанага айланган. Зеро, бу кун — нафақат Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ҳамда аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлиги ҳимоясини таъминлаш маъсулияти юклатилган Ватан ҳимоячиларининг, балки бутун халқимизнинг байраמידир. Чунки Ватан тинчлиги кенг маънога эга бўлиб, уни ҳимоя қилиш фақат муайян соҳа вакиллари эмас, балки барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

лаш осон кечмаганини ва яқин ўтмишда рўй берган воқеалар, эл-юрт манфаати, келажагини ўйлаб бошланган оқулна сиёсат мазмун-моҳиятини янада теранроқ англаб етати.

Агар мустақиллиқнинг дастлабки кунларидаги ҳолат билан бугунги кунни таққосласак, босиб ўтилган йўлнинг нақадар оғир, мураккаб ва машаққатли кечганини, вужудга келган ўта оғир шароит, сиёсат, иқтисодий, ижтимоий қийинчиликларга, турли тўсиқларга қарамасдан халқимиз Президентимиз бошчилигида ўзининг асрий орзуси — Ўзбекистоннинг давлат суверенитети — мустақиллиги, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечирини сари қатъият билан ҳаракат қилишда давом этганлигини яққол тасаввур қиламиз.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг илк йилларида қонунчиликнинг суверенитетини ҳимоя қилиш, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш устувор вазифалардан бирига айланди.

1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йилнинг 14 январь кuni мустақил давлатимиз Олий Кенгаши томонидан "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида"ги тарихий аҳамиятга эга бўлган қарор қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, мамлакатимиз ҳудудидagi барча ҳарбий қисмлар ва тузилмалар республикамиз тасарруфига олинди.

(Давоми иккинчи бетда)

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда кўплаб хоржий давлатларда бюджет жараёни ягона тизимлаштирилган қонун ҳужжати, хусусан, Францияда "Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун, Германияда "Федерал бюджет" кодекси, Россияда Бюджет кодекси билан тартибга солиб келинмоқда.

Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси Умумий ва Махсус қисм, VII бўлим, 27 боб, 192 моддадан иборат.

Бюджет кодексининг Умумий қисмида асосий масалалар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган. Аниқроқ айтганда, Бюджет жараёнида қўлланиладиган асосий тушунчаларнинг мазмуни изоҳлаб берилган. Хусусан, Бюджет кодексининг 3-моддасида бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнига бюджет жараёни сифатида таъриф берилди.

Бинобарин, "бюджет тизими" тушунчаси ва унинг принциплари қайд этиб ўтилди. Бюджет кодексининг 6-моддасида мувофиқ, бюджет тизими барча даражадаги бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ташкил этиш принциплари, улар ўртасида бюджет жараёни мобайнида юзага келадиган ўзаро муносабатлар йиғиндисини ўзида ифодалайди. Кодексининг 7-моддасида эса, бюджет тизимининг ягоналиги; бюджет тизимининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги; бюджет тизими бюджетлари даромадларини прогноз қилиш ва ҳаражатларини режалаштириш; бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг аниқ йўналтирилганлиги ва мақсадлилиги хусусияти; бюджет тизими бюджетларининг мустақиллиги; бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги; бюджет жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги ва очиқлик каби бюджет тизимининг принциплари мустаҳкамланди.

Шунингдек, бюджет жараёни субъектлари, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг, Ҳисоб палатасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгазининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашиларининг, Қорақалпоғистон Республикаси

Yangi qonun mohiyati

Бюджет қонунчилиги

тизимлашуви йўлидаги муҳим қадам

Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг, Молия вазирлигининг, ҳудудий молия органларининг, бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг, бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларнинг бюджет соҳасидаги ваколатлари мустаҳкамланди. Қолаверса, бегараз ёрдам, жумладан, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш маблағларини олиш асослари, бегараз ёрдам олувчи субъектлар ва уни олиш тартиби қайд этилди.

Таъкидлаш керакки, Бюджет кодексининг Махсус қисми процессуал хусусиятга эга бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш, ижро этиш, давлат томонидан маблағ жалб қилиш ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш билан боғлиқ муносабатлар ўз ифодасини топган. Хусусан, Бюджет кодексининг Махсус қисмида куйидаги муҳим масалалар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган:

- Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини тузиш тартиби, хусусан, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳаларини тузиш учун масъул органлар, бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ривожлантириш дастурини тузиш тартиби, бюджет сўрови, уни тузиш, тақдим этиш муддатлари ва кўриб чиқиш тартиби, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини тайёрлаш муддати, уларни ишлаб чиқиш тартиби;

- Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини кўриб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш, жумладан, Бюджетнома қўриб чиқиш ва Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сибёсатининг асосий йўналишларини қабул қилиш, Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини ва Давлат бюджетининг асосий параметрларини тасдиқлаш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетла-

рини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда Давлат бюджети тушунчаси ва уни амалга ошириш тартиби;

- бюджетлараро муносабатлар, жумладан, бюджетлараро трансфертларнинг шакллари, субвенциялар ва дотациялар ажратиш, бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китобларнинг юзага келиши, бюджет судаси шаклидаги бюджетлараро трансферт, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига қўлланиладиган чекловлар қўйиш асоси ва тартиблари;

- бюджет тизими бюджетларига чунончи, Давлат бюджети ҳаражатлари, Ўзбекистон Республикаси бюджетининг ҳаражатлар ёйилмасига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ҳаражатлари ва ҳаражатлари ёйилмасига, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг ҳаражатлари ёйилмасига, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларига, ҳаражатлар сметасига ва штат жадалига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

- бюджет ссудалари, кредит линиялари ва кредитлар ҳамда бюджет ҳисоби ва ҳисоботи, чунончи, резидент-юридик шахсларга бюджет ссудалари ва кредит линиялари бериш (очилиш) тартиби, бюджет ссудаси ва кредит линиясини ўз вақтида қайтармаслик оқибатлари, бюджет ҳисоботи турлари, бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг молиявий ҳисоботларини юритиш, Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига даромадларнинг тушумлари тўғрисидаги ҳисоботларни юритиш, Давлат бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни юритиш тартиби, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботнинг ташқи аудити, уларни баҳолаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби;

- бюджет тизими бюджетларининг ижросини назорат қилиш, жумладан, давлат молиявий назорат органлари ва давлат молиявий назорати принциплари, шакллари, турлари ва усуллари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги,

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари, фазначилик бўлимлари, Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари, давлат солиқ хизмати органлари томонидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш асослари ва тартиби ҳамда давлат молиявий назорат органларининг ўзаро ҳамкорлиги, давлат молиявий назоратини ўтказиш даврийлиги ва муддатлари, давлат молиявий назорати натижалари бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар турлари ва уларни расмийлаштириш тартиби, шунингдек, молиявий назорат объекти мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда давлат молиявий назоратини ўтказишдаги чекловлар.

Кези келганда шуни айтиш керакки, Бюджет кодекси бюджет соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун янги тизимлаштирилган қонун ҳужжати бўлганлиги сабабли Бюджет кодекси нормаларининг амал қилиши ва самарадорлиги 2014 ва 2015 йиллар мобайнида мунтазам равишда мониторинг ва таҳлил қилиб борилади ҳамда зарур бўлган ҳолларда, уни янада такомиллаштиришга қаратилган тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади.

Умуман келганда, Бюджет кодексининг қабул қилиниши:

- бюджет соҳасидаги қонун ҳужжатларининг янада такомиллашуви; - бюджет жараёни иштирокчиларининг ваколат, ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасининг аниқ белгиланиши; - бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш билан боғлиқ барча босқичларда ошқоралиқни таъминлаш йўли билан жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга;

- ва ниҳоят, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга эришишга хизмат қилади.

Улғубек АЛОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходими

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб тараққиётимизнинг асоси сифатида хусусий мулкчиликка асосланган ва кучли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишга қаратилган сиёсат амалга ошириб келинмоқда.



ИПОТЕКА BANK

Фаолиятимиз кўлами

ишончли ҳамкоримиз — «Ипотека банк» ёрдамида янада кенгаймоқда

Ортимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарали ташкил этилиши маҳаллий хомашёдан тайёрланган маҳсулотлар билан эл дастурхонида 50 дан ортиқ маҳсулотларимизни кўриш мумкин. Фаолиятимизни кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиб мақсадида, тикувчилик



ички бозорни истеъмол товарлари ва сервис хизматлари билан тўлдириш каби долзарб масалалар билан тўлиқ ҳал этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган ишлар, жумладан, ушбу сектор субъектларини кредитлаш ҳамда ҳажмининг ўсиши ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдиришга сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда.

Эзгулик элни элга бирлаштиради, дейдилар. Улуғ мақсад-муддаоларни диллига туккан халқимизнинг азму шижоати туфайли фаолияти билан шуғулланиш истаги туғилди. Лойиҳамни рўёбга чиқариш учун "Ипотека банк" Бухоро вилояти филиалига мурожаат қилдим. Менинг лойиҳам ўша пайтда "Ипотека банк" тизимида эълон қилинган кичик бизнес субъектларининг лойиҳалари танловига ўз номинанцияси бўйича ғолиб деб топилди. Мазкур банк томонидан корхона ҳисобига 50 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Ушбу кредит ҳисобига тикув машиналари ва хомашё сотиб олиб, 8 нафар коллеж битирувчиларини иш билан таъминладик. Ҳозирги кунда трикотаж маҳсулотлари ишлаб



истиқлол йилларида ҳаётий мизининг барча баҳаларида улкан ўзгаришлар рўй бермоқда.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Қаримов раҳнамолигида тадбиркорлик ривожини йўлида яратилаётган кенг имконият ва шарт-шароитлар аҳоли бандлигини ошириш ва халқимиз турмуш фаровонлиги янада юксалишини таъминламоқда.

2009 йилда "G'azberon Shirmoy Noni" корхонасини ташкил этган эдик. Корхона юртдошларимизга нон ва нон маҳсулотлари етказиб беради. Бугунги кунда чиқармоқдамиз. Бугунги кунда тадбиркорлигимиз ривожланиб, яхши даромад келтиряпти. Келгусида корхонада янги иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз. Лойиҳамизни амалга оширишда "Ипотека банк" Бухоро вилояти филиалининг ҳиссаси катта. Биз банк филиалига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз, келгусида янги лойиҳаларни ишга туширишни ҳамда банк билан ҳамкорликни кенгайтиришни режалаштирганмиз.

Ш.ХАЙДАРОВА,
"G'azberon Shirmoy Noni" МЧЖ раҳбари

Maslahat

Авалло шуни айтиш керакки, амалдаги "Нотариал тўғрисида"ги қонуннинг 31-моддасида нотариал ҳаракатни амалга ошириш ва тўхтатиб туриш муддатлари ҳақида сўз юритилган.

Унга кўра, нотариал ҳаракатлар ҳақ тўланганидан сўнг зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган кун амалга оширилади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш кўшимча маълумотларни талаб қилиб олиш ёки ҳужжатларни экспертизага юбориш зарур бўлганда кечиктирилиши мумкин.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, башарти қонунга биноан манфаатдор шахслардан ушбу ҳаракатларни амалга оширишга эътироз бор-йўқлигини сўраш зарур бўлганда, кечиктирилиши мумкин. Нота-

Нотариал ҳаракат уни амалга ошириш ва тўхтатиб туриш муддатлари

риал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахснинг талабига кўра, унга нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш ҳақидаги қарор берилади.

Манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашиш учун судга мурожаат қилиш истагидаги бошқа манфаатдор шахснинг аризасига кўра, нотариал ҳаракатни амалга ошириш кўпи билан ўн кун муддатга кечиктирилиши мумкин. Агар бундан ичиди ариза тушгани ҳақида суддан маълумот олинмаса, нотариал ҳаракат амалга оширилиши лозим.

Бир манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашиш учун судга мурожаат қилиш истагидаги бошқа манфаатдор шахснинг аризасига кўра, нотариал ҳаракатни амалга ошириш кўпи билан ўн кун муддатга кечиктирилиши мумкин. Агар бундан ичиди ариза тушгани ҳақида суддан маълумот олинмаса, нотариал ҳаракат амалга оширилиши лозим.

волашаётган бошқа манфаатдор шахсдан ариза тушганлиги тўғрисида суддан маълумот олинган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга ошириш мазкур иш судда ҳал бўлганига қадар тўхтатиб турилади.

Қонун ҳужжатларида нотариал ҳаракатларни амалга оширишни кечиктириш ва



тўхтатиб туришнинг бошқа асослари ҳам белгиланиши мумкин.

Феруза ХИДОЯТОВА,
Шайхонтоҳур тумани
2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

ДОИМИЙ ҲИМОЯДА



Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро суди томонидан А.Қодировнинг ишга тиклаш ҳақидаги даъво аризаси рад этилган. А.Қодировнинг суднинг ушбу ҳал қилув қарори устидан келтирилган апелляция шикоятини вилоят су-

дида кўрилиб, судлов ҳайъатининг ажримига кўра, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори қисман бекор қилинган ва шу қисмлар бўйича мактаб маъмуриятининг буйруғини бекор қилиш, даввогарни ўз иш жойига тиклаш ва жавобгардан даввогарнинг фойдасига Меҳнат кодексининг 187-моддасига кўра, етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Айтиш керакки, биринчи инстанция суди даввогарнинг даъво аризасини рад қилишда у томонидан даъво муддати ўтказиб юборилган

дини асос қилиб олган. Аслида эса, даввогар ишдан бўшатилган, касаллиги туфайли шифохонада довланган. Шундан сўнг у судга мурожаат қилган. Аммо биринчи инстанция суди ушбу ҳолатларга ва Фуқаролик процессуал кодексининг 15-моддаси талабидан келиб чиқиб мавжуд далилларга атрофлича баҳо бермаган. Шу боис суд томонидан қабул қилинган қарор бекор қилинган.

Албатта, судлар фаолиятида бу тоифадаги ишларни кўришда йўл қўйилаётган айрим камчиликлар юқори турувчи судлар томонидан моддий ва процессуал қонунчилик талаблари асосида ўз вақтида бартараф этиб боришмоқда. Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларда қўрилатган ушбу тоифадаги ишлар режа асосида умумлаштирилади ва улар вилоят

суди раёсатида ҳамда судьялар иштирокидаги умумий йўғилишларда муҳокама қилиб борилади. Меҳнат низолари юзасидан қонунларни асоси ва тўғри қўллаш ва бу борада ягона суд амалиётини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат муносабатларини қонуний асосда ташкил этиш устувор вазифалардан бири бўлиб, у авваламбор, аҳолининг бандлик даражасини оширишга ва меҳнат бозорини ривожлантиришга ҳамда шу орқали меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг моддий манфаатдорлигини барқарор равишда шакллантиришга хизмат қилади.

Х.БЕГАЛИЕВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент вилояти судининг судьяси

истиқлол йилларида ҳаётий мизининг барча баҳаларида улкан ўзгаришлар рўй бермоқда.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Қаримов раҳнамолигида тадбиркорлик ривожини йўлида яратилаётган кенг имконият ва шарт-шароитлар аҳоли бандлигини ошириш ва халқимиз турмуш фаровонлиги янада юксалишини таъминламоқда.

2009 йилда "G'azberon Shirmoy Noni" корхонасини ташкил этган эдик. Корхона юртдошларимизга нон ва нон маҳсулотлари етказиб беради. Бугунги кунда чиқармоқдамиз. Бугунги кунда тадбиркорлигимиз ривожланиб, яхши даромад келтиряпти. Келгусида корхонада янги иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз. Лойиҳамизни амалга оширишда "Ипотека банк" Бухоро вилояти филиалининг ҳиссаси катта. Биз банк филиалига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз, келгусида янги лойиҳаларни ишга туширишни ҳамда банк билан ҳамкорликни кенгайтиришни режалаштирганмиз.

Ш.ХАЙДАРОВА,
"G'azberon Shirmoy Noni" МЧЖ раҳбари

E'tirof

Тинч ва осуда ҳаётимиз, хавфсизлигимизнинг мустақкам қалқони

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шуни айтиш керакки, бугунги кунда ҳарбий хизматга қақрилаётган ёшлар аввалги йиллардаги мuddатли ҳарбий хизматчилардан мутлақо фарқ қилади. Ҳозирги вақтда муस्ताқиллик йилларида туғилиб вояга етган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежларда энг замонавий таълим-тарбия олган йигитлар армия сафларига кириб келмоқда. Улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси, ҳаёт ҳақида ўзининг муस्ताқил фикри ва қаршига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга бўлган ёшлардир.



Қуроли Кучлар сафида хизмат қилишнинг нуфузи ортиб, бу йигитларимиз учун эзгу мақсадга айланди. Ҳарбий хизмат ёшларимизни жисмонан ва маънан чиниктириш билан бирга, уларнинг қалби ва онгида ватанпарварлик, фидойилик, Ватани ва халқига садоқат каби фазилатларни муस्ताқкамламоқда.

Ҳарбий қисм ва билим юртида ўтказилаётган маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотларининг янада такомиллаштирилгани, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида турли тадбир ва давра суҳбатларининг мунтазам ташкил этилаётгани ҳарбийларнинг маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, дунёқарабини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зеро, Президентининг таъкидлаганидек, армиянинг кудрати фақатгина унинг жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги, энг янги қуро-яроғлар билан таъминлангани билан эмас, балки Қуроли Кучларимиз сафлари профессионал тайёргарликка эга

бўлган шахсий таркиб билан қай даражада тўлдирилгани, офицер, сержант ва аскарларнинг маънавий, ахлоқий-руҳий фазилатлари, уларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқоди, она Ватан тақдири учун масъулият ҳиссининг нақадар юксак экани билан белгиланади.

Миллий армиямизда рўй берган ўзгариш ва янгиланишларни истиқлол йилларида ҳарбий таълим тизимида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Муस्ताқиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бир қатор ҳарбий таълим муассасалари, жумладан, Қуроли Кучлар академияси, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университетида махсус факультет ҳамда ҳарбий округларда сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди.

Айни чоғда мавжуд таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини муस्ताқкамлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Миллий истиқлол гоёлари асосида ташкил этилаётган ўқув жараёнида ахборот технологиялари, моделлаштириш ва симуляция усуллари ҳамда ўқитишнинг янги методларидан кенг фойдаланилмоқда. Офицер ва сержант кадр-

ларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, интеллектуал жиҳатдан етук, стратегик фикрлай оладиган офицер кадрлар, шунингдек, қўл остидаги бўлимларни самарали бошқаришга қодир профессионал сержантларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Олий таълим муассасаларидаги олий ва малака ошириш курслари ҳамда услубий маркаларда ҳарбийларимиз ўз билим ва тажрибасини бойитмоқда.

Замонавий профессионал армияни шакллантиришнинг энг муҳим мезонларидан бири — бўшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва улар орасидан энг муносибларини танлаб олишдир.

Мамлакатимиздаги касб-хунар коллежларида қақриувгача бошлангич тайёргарлик дарслари ўтказилаётгани, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг жойлардаги мактабларида қақрилувчиларга ҳайдовчилик, чавандозлик каби ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича таълим берилаётгани ва бошқа кўрилатган чора-тадбирлар Қуроли Кучларимиз шахсий таркибини ҳарбий хизмат ҳақида етарли билим, тасаввур ва кўникмага, муайян касбга эга бўлган ёшлар билан тўлдириш имконини бераётди.

Мuddатли ҳарбий хизматдан билим ва тафаккури бойиб, чиникиб қайтаётган йигитлар турли соҳаларда меҳнат қилмоқда. Бу миллий армиямиз ёшларни баркамол инсон сифатида вояга етказадиган том маънодаги ҳаёт мактабига айланишидан далолат беради.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий армиямизни шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар доирасида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фарзандларимизни, эл-юртимиз тинчлиги ва оқоёшга йўлдош ҳизмат қилаётган ўғлонларимизни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий армиямиз сафлари эса, ана шу эътибор ва гамхўрликни, муस्ताқилликни, тинчликни қадрлайдиган, мард ва жасур, ўз кучи ва салоҳиятига ишонган йигитлар сафи билан кенгаймоқда. Зеро, бундай хислатларга эга Ватан ҳимоячилари халқимизнинг тинч ҳаёти, хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг ишончли кафолатидир.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

G'aroyib olam

Ҳаётда ҳар кишининг ўзи севган ёки ёқтирган ранглари бўлади. Масалан, кимдир тўқ ва ёрқин рангларни, яна кимдир оч тусли ва нафис ранглари ёқтиради. Лекин ким қандай рангин ёқтиришидан қатъи назар ҳар қайси ранг ўзига хос хусусиятларга эга.

Биз билган ва билмаган дунё



РАНГЛАР ЖОЗИБАСИ

Бошқача айтганда, ҳар бир рангнинг табиатда ўз ўрни бор ва у такрорланмасдир. Гарчи ранглар дунё халқлари маданиятида турлича талқин қилинсада, умумий ҳолда, одамларнинг ранглардан таъсирланиши даражалари бир-бирига анчайин яқиндир. Айниқса, мовий рангдан деярли барча халқлар кенг фойдаланадилар. Негаки, мовий ранг — бу умрбоқийлик рамзи бўлиб, у борликда ўтмиш билан келажакни ўзаро ва узвий равишда боғлаб туради. Шунинг учун ҳам дунё бўйича тўқ мовий рангдаги кийимлар хари-дордир бўлади.

Одатда, қарийб барча миллат ва элатларда мовий ранг — осмонга, сариқ ранг — кўшга, қизил ранг эса, оловга қиёсланди. Аммо ранглар кўп ҳолларда дунёнинг турли минтақаларида турлича талқин қилинади. Жумладан, шарқ халқлари тамаддунида ранг ва жилоларга жуда катта эътибор берилиши азалдан маълум. Европада эса, оқ рангга софлик ва мусаффолик белгиси сифатида қаралса, Хитойда у мотамни англа-тади. Бироқ хитойликлар қизил рангини узок умр тимсоли деб эъзозлашди. Шунинг учун ҳам келин-ку-евларнинг тўй либослари айнан мана шу рангда бўлади. Қадимги Римда эса, қизил ранг куч-қудрат рамзи бўлган. Япон маданиятида эса, ҳар бир ранг ўзига хос ахборот беришига вазибаларга эга, деган қатъий қараш мавжуд. Яъни ҳар қайси одамнинг кийган либосидаги рангларга қараб, унинг кайфияти ва ҳатто характери ҳам билиб оلسа бўлар экан.

Шимол халқларининг ҳаёти кўпроқ қиш ва қор билан боғлиқ бўлгани учун уларнинг маданиятидаги ранглар тўплами ҳам шунга яраша. Яъни атроф-муҳит совуқ куларини жилоларга бой бўлгани боис Скандинавия мамлакатларида уй ичинин табиий ранглар билан тўлдиришнинг ўзига хос мезонлари шаклланди. Шундай бўлса-да, уларнинг кийимларида ранг-баранглик кам учрайди: асосан, оқ, яшил ва мовий ранглардан иборат, ҳолос.

Ажабланарлиси шундаки, ранглар ҳатто инсон организмга ҳам таъсир ўтказар экан. Масалан, қон босими паст одам тўқ кўк рангга узок вақт тикилиш орқали ўзида энгиллик сезар экан, яъни қон босими меъёр даражасига кўтарилиши фанда исботланган. Худди шундай, қизил ранг

одамнинг жисмоний ҳолатига, сариқ ранг ақлий салоҳиятига, мовий ранг ҳиссий-таъсир қилиш имконига эга.

Айтиш керакки, ранглар ёрдамида даволаш қадим замонлардан бунён маълум. Жумладан, Хитойда қизил рангга ипак либосда кўш ванналари қабул қилиш — турли касалликларга барҳам беришнинг гарови сифатида қаралган.

Маълумки, Ҳиндистонда рангларга алоҳида эътибор билан қарашади. Айниқса, хотин-қизларнинг кийим-кечагида ҳам ранглар муҳим ўрин тутди. Ҳинд аёллари турмушга чиққан илк кезларда севи ва садақат рамзи сифатида фақат қизил кийим кийишади. Заъфарон ранг эса, уйғо-ниш ва ҳаёт тантанасини акс эттиради. Бу ҳол, кўпинча манго дарахтининг илк чечаклари ва жонбах жануб шамолнинг эсиши билан боғлиқ ҳодисот саналади.

Кўп давлатларда косметика фирмаларининг руҳият-шунослари ва дизайнерлари харидорларнинг дидини алоҳида ўрганишади. Масалан, уларнинг таъкидлашича, европалликлар оддий ироқи совуннинг пушти рангини кўпроқ харид қилишади. Кўк, сийҳранг, яшил ва сариқ рангларни кўпма кўп хуш кўришмас экан. Оқ ранглиги ҳам жуда камдан-кам ишлатишади. Жануби-шарқий осияликларга эса, сариқ ранг-вазибаларга эга, деган қатъий қараш мавжуд. Яъни ҳар қайси одамнинг кийган либосидаги рангларга қараб, унинг кайфияти ва ҳатто характери ҳам билиб оласан бўлар экан.

Шимол халқларининг ҳаёти кўпроқ қиш ва қор билан боғлиқ бўлгани учун уларнинг маданиятидаги ранглар тўплами ҳам шунга яраша. Яъни атроф-муҳит совуқ куларини жилоларга бой бўлгани боис Скандинавия мамлакатларида уй ичинин табиий ранглар билан тўлдиришнинг ўзига хос мезонлари шаклланди. Шундай бўлса-да, уларнинг кийимларида ранг-баранглик кам учрайди: асосан, оқ, яшил ва мовий ранглардан иборат, ҳолос.

Ажабланарлиси шундаки, ранглар ҳатто инсон организмга ҳам таъсир ўтказар экан. Масалан, қон босими паст одам тўқ кўк рангга узок вақт тикилиш орқали ўзида энгиллик сезар экан, яъни қон босими меъёр даражасига кўтарилиши фанда исботланган. Худди шундай, қизил ранг



Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш мақсадида ички бозорни фақат сифатли махсулотлар билан тўлдиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Бу борада божхона назорати қатъий йўлга қўйилган. Соҳа ходимлари томонидан мамлакатимиз ҳудудига сифатсиз ва ноқонуний товарлар кириб келишининг олдини олиш, ички бозорни ҳимоялаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 29 январда қабул қилинган "Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган махсулотларнинг рақобатдошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучай-тириш тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишда муҳим дастуриламал бўлаётди. Кези келганда шуни айтиш жоизки, божхона соҳасидаги қонунлар ижросини таъминлаш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш борасида судлар ҳам изчил фаолият юритмоқда. Аммо олиб борилмаётган ички чора-тадбирларга қарамай, айрим кимсаларнинг божхона назоратини четлаб ўтишга уринаётгани гоёнда ачинарлидир.

Шу ўринда статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2012 йил мобай-

Jinoyatga jazo muqarrar

Божхона назорати

уни четлаб ўтишга уриниш қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

нида жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судлари томонидан Жиноят кодексининг 182-моддаси билан 9 та жиноят иши кўриб чиқилиб, 32 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган. 2013 йилнинг 9 ойида эса, шу тоифадаги 4 та жиноят иши кўриб чиқилиб, 15 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Шириш шаҳар суди томонидан Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми "а" банди, 25, 182-моддалари 2-қисми "а" банди билан айбдор деб топилган К.Мўминов, А.Мирзаев, Э.Пардаев ва Ш.Ботиров ҳамда Қ.Алимовларнинг (исм-шарифлар ўзгартirilган) жиноят иши кўриб чиқилди. Аниқланишича, судланувчилар дастлабки тергов чоғида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган қўшни республикалик "Тойир" исмли кимсаннинг топшириғига асосан олдиндан жиноий тил бириктирган ҳолда, божхона назоратини четлаб ўтиб, жуда кўп миқдордаги чет эл валютасини Ўзбекистон Республи-



Суд очерки

касининг божхона чегарасидан ўтказиш ва ўтказишга суиқасд қилиш жиноятларини қасдан содир этган. 2013 йил 29 май куни судланувчилар Комил Мўминов, Арслон Мирзаев, Эргаш Пардаев, Шокир Ботиров, Қодир Алимовлар, ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда, 560.000 АҚШ доллари миқдоридagi маблағни қўшни республикага ўтказиш юзасидан жиноий режа тузади.

Ушбу қабиҳ режага асосан жиноий гуруҳ аъзолари — Комил, Арслон ва Эргаш Тошкент шаҳрига келиб, дастлабки тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган "Шерзод" ва "Райим" исмли кимсалардан жами 560.000 АҚШ долларини санаб олади. Шундан сўнг улар бу маблағни Сирдарё вилояти Ховос туманига олиб келиб, жиноий шериклари — Қодир Алимов ва Шокир Ботировга топширади. Қодир билан Шокир эса, жиноий режага кўра, 560.000 АҚШ долларини айланма йўллар орқали қўшни республика ҳудудига ўтказишади.

Қабиҳ жиноятни содир этиш вазаига мўмайгина даромадни кўлга киритган жиноий гуруҳ аъзолари 2013 йил

31 май куни тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган бир гуруҳ кимсалар билан Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан 960.600 АҚШ доллари миқдоридagi маблағни қўшни республика ҳудудига ўтказиш пайига тушишади. Бу гал ҳам Арслон ва Эргаш Тошкент шаҳрига келиб, "Шерзод" ва "Тўлаған" исмли кимсалардан жами 961.560 АҚШ долларини олади ва бу маблағни ноқонуний йўллар билан қўшни республикага ўтказиш учун "Ласетти" русумли автомашинада олиб кетаётган пайтда хуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан кўлга олинади.

Жиноят иши бўйича ашъвий далил сифатида олинган 961.675 АҚШ доллари ҳамда жиноят қуроли деб топилган "ГБА-Лесетти-BDC-СПГ" русумли автомашина давлат фойдасига мусодара қилинди ва К.Мўминов, А.Мирзаев, Э.Пардаев, Ш.Ботиров ва Қ.Алимовларга нисбатан қонуний жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, божхона қонунчилигига риоя этмасдан, турли қинғир йўллар билан мулкий наф кўришга уринган кимсалар охи-оқибат қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлади. Шундай экан, ўрнатилган тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиш тинч ва фаровон турмуш кечиришнинг асосий омили эканини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Фазлиддин СУВОНҚУЛОВ, жиноят ишлари бўйича Шириш шаҳар судининг раиси

Куч — АДОЛАТДА

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Олий суди

Бош муҳаррир:

Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2183-6323

9772181432006

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ

Шоюнус ГАЗИЕВ

Қўчқор ТОҒАЕВ

Русланбек ДАВЛЕТОВ

Мавжуда РАЖАБОВА

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Омонбой ОҚЮЛОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Икром МУСЛИМОВ

Ғайрат ҲИДОЯТОВ

Арслон УСМАНОВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:

Шерзод ҲАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона мазнили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.

E-mail: kuch-adolat@mail.ru

Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-125. Қўзғос бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табак. Сотувда эркин нарҳда. Адади: 9847.

1 : 3 4 5 Топшириш вақти: 18⁰⁰ Топшириш вақти: 19⁰⁰